

Рамазондан сўнг нима қиламан? (иккинчи мақола)



16:00 / 15.05.2021 1586

Тавба, истиффор ва Аллоҳни зикр қилиш.

Албатта Рамазон ойида тавба қилган, истиффор айтган ва Аллоҳни зикр қилган мусулмон банда йилнинг қолган вақтида ҳам шундай давом эттириши керак. Чунки Аллоҳ таолони зикр қилишлик тилга енгил ва банданинг қиёмат кундаги яхшиликлар мезонида оғирдир. Шунингдек бу нарса банданинг ризқи кенглиги, қалб хотиржамлиги ва кулфатлардан озод бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун банда Аллоҳ таоло зикридан ғофил қолмаслиги керак. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Ўз китобида шундай дейди:

“Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, ошкор бўлмаган сўзлар билан (яъни дилдан) эрта-ю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг!” (Аъроф сураси, 205-оят).

«Эй мўъминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар! Ва эрта-ю кеч У Зотни поклаб тасбеҳ айтинглар!» (Аҳзоб сураси 41-42 оятлар).

«Улар иймон келтирган ва қалблари Аллоҳни зикр қилиш-эслаш билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олурур». (Раъд сураси, 28-оят).

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: “Эй инсонлар Аллоҳга тавба қилинглари албатта, мен ҳар куни юз марта тавба қиламан”.
Муслим ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Аллоҳ таоло айтади : Мен бандам ўйлагани кабирман ва у мени эсласа у билан биргаман, агар мени ичида эсласа мен ҳам уни ичимда эсламан, агар мени ўзгалар ичида (ошкора) эсласа уни ҳам улардан яхшилар ичида эсламан, Менга бир қарич яқинлашса унга бир аршин яқинлашаман, Менга бир аршин яқинлашса унга бир қулоч яқинлашаман, Менга юриб келадиган бўлса унга югуриб бораман”. *Бухорий ва Муслим ривоят қилган.*

Саъд ибн Абу Ваққосдан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни олдиларида эдик шунда улар “Бирортангиз мингта ҳасанотни олишни ҳойламайсизми?”- дедилар. Ўтирганлар орасидан бири “бирортамиз қандай қилиб мингта ҳасанот олади?”- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: – “Юз марта тасбеҳ айтади шунда унга мингта ҳасанот ёзилади ёки мингта гуноҳи ўчирилади”.

Аллоҳ таоло ҳукмига ва Расулуллоҳга бўйсиниш.

Рамазон ойида Аллоҳ таолонинг шариатига эргашиб қуёш чиқишидан ботгунига қадар таом шароб ва шаҳватлардан ўзини ман қилишни одат қилган мусулмон бошқа вақт ҳам ўзининг бошқа ишларида Аллоҳнинг амрига эргашишлиги осон бўлади. Бу банданинг дунёю охирадаги саодати бўлади. Шунингдек, ҳар бир банда Аллоҳнинг китоби ва Расулнинг суннатига қарши бўлишидан огоҳ бўлиши керак. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилган — буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас, у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди”**. (*Аҳзоб сураси, 36-оят*).

“Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар ва Аллоҳдан қўрқинглари! Албатта

Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир”. (*Ҳашр сураси, 7-оят*).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Умматимнинг барчаси жаннатга кирар, лекин бош тортганларгина кирмас”- дедилар.

“Эй Аллоҳнинг Расули, ким бош тортади?» дейишди. “Ким менга итоат қилса, жаннатга киради, ким менга осий бўлса, бош тортган бўлади”- дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани янгитдан пайдо қилса, у рад қилингандир”- дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

(Давоми бор)

Манба: islamtoday.net

Муҳаммадали таржимаси